

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 10 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 178 (11.239)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБОЙЖОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2008 йил 11-12 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН-ОЗАРБОЙЖОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ БЎСАҒАСИДА

ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ – КЎҲНА ТАРИХ, БОЙ МАДАНИЯТ ВА ТУРФА АНЪАНАЛАРГА ЭГА МАМЛАКАТ. У ЖАНУБИЙ КАВКАЗНИНГ ШАРҚИЙ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, ҲУДУДИ 86,6 МИНГ КВАДРАТ КИЛОМЕТР. АҲОЛИСИ – 8,6 МИЛЛИОН КИШИ. ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИ.

Озарбойжон Республикаси ўз мустақиллигини 1991 йил 18 октябрь куни эълон қилди. 28 майда Миллий байрам – Мустақиллик куни (Озарбойжон давлатчилиги қайта тикланган кун) нишонланади.

1995 йил 12 ноябрь куни қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, Озарбойжон демократик ва дунёвий давлат ҳисобланади. Мамлакат раҳбари президент бўлиб, у 5 йил муддатга сайланади. Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев (2003 йил октябрдан буён).

Айни пайтда Озарбойжон жаҳондаги тез суъратда ривожланаётган давлатлар сирасига қиради. Мамлакатда бизнес фаолияти охири, олтин-валюта заҳиралари ортиб бормоқда, макромикросий вазият яхшиланмоқда. Озарбойжон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2007 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 25 фоизни ташкил этган.

Республика иқтисодиётининг жадал ривожланиши, аввало, ёқилги-энергетика омилига боғлиқдир. Нефть тармоғи даромадлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

2007 йилда Озарбойжонда 41,7 миллион тонна нефть қазиб олинган бўлиб, бу 2006 йилга нисбатан 29,4 фоиз кўп демакдир. Ишлаб чиқарилаётган нефтнинг қарийб 28 миллион тоннаси экспортга йўналтирилмоқда. Ўтган йил қазиб олинган газ ҳажми 11 миллиард куб метрни ташкил этган. 20,3 миллиард кВт.соат электрэнергия ишлаб чиқарилган.

Яқунланган йилда жаҳоннинг 138 мамлакат билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси 11 миллиард долларга етди. Италия, Россия, Туркия, Франция мамлакатнинг энг йirik савдо шерикларидир.

Озарбойжон БМТ, ЕХҲТ, Ислон Конференцияси ташкилоти, МДҲ, Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги ва бошқа халқаро ташкилотлар аъзоси ҳисобланади.

Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси 1996 йил август ойидан бошлаб фаолият юритаётган бўлса, Ўзбекистоннинг мазкур давлатдаги элчихонаси 1998 йилнинг июль ойида иш бошлаган.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар



«Макиз-Барака» масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Сайфулла Содиков ҳам ана шундай тадбиркорлар сирасидан.

— Бугунги кунда корхонамизда макарон маҳсулотларининг 20 хилдан ортиги ишлаб чиқарилади, — дейди биз билан суҳбатда Сайфулла Содиков. — Энг юқори, замон талаблари даражасидаги технологияларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларига етказиб берилмоқда. Унга бўлган талабнинг ортиб бораётгани боис янги иш ўринлари яратилмоқда. Бугунги кунда корхонамизда ишлаётган ишчилар сони 24 нафарга етди.

Этиборлиси корхона тадбиркорлари 2005, 2006 ва 2007- йилларда ўтказилган нуфузли танлов ва ярмаркаларда иштирок этиб, «Энг яхши маҳсулот» номинацияси бўйича ғолиб бўлиб келмоқда. Ушбу муваффақиятлар сабаби эса ўз устида ишлаб, бозор ва харидор талабини ўрганиб, шунга яраша рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган интилишидир.

— Бугунги кунда ҳар бир со-

ҳада катта ўзгариш, янгиланиш ва ислохотлар бўлмоқдаки замон билан бирга қадам ташлаш учун тадбиркор кеча-кундуз «уйғоқ» бўлиши, янгиликлардан ҳақтида хабардор бўлиб талабга яраша маҳсулот етказиб бера олиши лозим. Яна тадбиркор сабр- матонатли,



ҳалол, бориға қаноат қиладиган, фақат келадиган фойдани эмас, балки ўзи билан бирга ишлаётган ишчиларнинг ҳам иссиқ- совуғидан вақтида хабардор бўлиб, чин кўнгилдан ишлашлари учун шарт- шароит яратиб бериши керак. Шундагина ишда унум ва барака бўлади, — дейди Сайфулла ака фикрини давом эттириб. — Биз шуларни ҳисобга олган ҳолда иш юритиб келгусида чучвара ва печенье ишлаб чиқариладиган цехларни ишга тушир-

**БУГУНГИ КУНДА
ИҚТISODIETIMIZNI
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХАЛҚ
ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШГА
ИНТИЛАётган ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚўЛЛАБ-
ҚўВВATЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛГАНИ БОИС
МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ
ДАСТУРХОНИ ТўКИНЛИГИ ЙўЛИДА
ХИЗМАТ ҚИЛИШГА БЕЛ БОғЛАГАН,
ИШ КўЗИНИ БИЛГАН ИНСОНЛАР
САФИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Тадбиркорлик

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

моқчимиз. Технологик линиялар эса Италия ва Хитой давлатларидан келтирилади. Янги цехлар ҳисобига эса янги иш ўринлари яратилади. Биз имкон борича ишга корхонамиз ён-атрофида турадиган ёшларни, уй бекаларини тақлиф этишга ҳаракат қиламиз. Шунда уларга ҳам уй ишлари, ҳам бола тарбияси билан шуғулланиш баробарида оилаларига моддий томондан ҳам ёрдам беришга имкон туғилади. Ҳозирда учта касаначилик бўйича иш ўринлари яратганмиз. Келгусида уларнинг сафи ҳам ортади.

Хайрли ва эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётган корхона ишчи- ходимлари айни кунларда янги цехларни ишга тушириш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз ҳам уларга ишлашга омад ва муваффақиятлар тилаб элу юртимиз фаровонлиги ва тўқинлигига ҳисса қўшишдан асло қарчамасликни тилаб қоламиз.

**ШОИРА МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Макиз-Барака» масъулияти чекланган жамияти фаолиятдан
лаҳзалар.**

**Максим Черногаев олган
суратлар**

тўхфа бўлганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган «Ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи босқичидир» мавзусида фестивал бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан).

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган Тошкент ислом университети қосидаги ихтисослаштирилган республика мактабидан ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок босқичидир» мавзусида фестивал бўлиб ўтди.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган Тошкент ислом университети қосидаги ихтисослаштирилган республика мактабидан ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок босқичидир» мавзусида фестивал бўлиб ўтди.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган Тошкент ислом университети қосидаги ихтисослаштирилган республика мактабидан ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок босқичидир» мавзусида фестивал бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан эзгу тилаклар билдирилган самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Республика Адлия вазирлигида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — асосий вазифамиздир» мавзусида кўргазмали семинар ўтказилди. У жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишларини янада такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўллари излаб топиш, шунингдек, ҳуқуқий тағрибот ишларини кўргазмали воситалар ёрдамида олиб бориш амалиётини кенг йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди.

● «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Ҳамза туманидаги Бобур номи маҳаллада «Маҳалла — қадриятлар бешиги» деб номланган учрашув ташкил этилди.

● «Шўртангазмаҳсулот» Ўзбекистон-Швейцария-Буюк Британия қўшма корхонасида йилга 6 миллиард кубометр газни қайта ишлаш, катта миқдордаги суюлтирилган газ ҳамда конденсат ишлаб чиқариш учун мўлжалланган юқори технологик жамуа — газдан пропан-бутан аралашмасини ажратиб олувчи янги қурилмалар фойдаланишга топширилди.

● «Пойтахт» меҳмонхонасида «Менежерларни қайта тайёрлаш Ўзбекистон-Германия» дастури доирасида малака ошириш семинари бўлиб ўтди.

● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Янги йилда адлия, прокуратура, ички ишлар органлари, сиёсий партиялар, ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан жамоатчилик назорати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Қашқадарё вилоятининг Нуристон шаҳарчасида барча қўлайликларга эга бўлган 645 ўринли саноат энергетика коллежи қуриб битказилди. Бу ерда ўқув устaxonаси, 180 ўринли фаоллар зали, катта ўйингоҳ, ёпиқ спорт зали, турли фан хоналари ишлаб турибди.

● Шахрихонда янги буюм бозори ишга туширилди. Бозорда барпо этилган 820 та дўкон ҳамда 800 га яқин савдо растасининг шинам ва кўркамлиги сотувчи ҳамда харидорларни мамнун этмоқда.

● Хорижий замонавий ускуналар ва илғор технологиялар асосида фаолият кўрсатаётган «UZ BOTTLERS GROUP» МЧЖ қўшма корхонасида яқинда «Diamond» шартларининг 10 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● Когон шаҳрида истикомат қилувчи 100 нафардан зиёд отахон ва онахонлар Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви ҳомийлигида Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди.

● Истиклол айёми муносабати билан Ўзбекистон Куролли қушлари қосидаги Марказий музейда тасвирий санъат кўргазмаси ўтказилмоқда.



ЖАҲОНДА

● Зимбабведа сиёсий вазият тобора чиғаллашиб бормоқда. Куни кеча мамлакат Президенти Роберт Мугабе ҳукуматни тақсимлашда муҳолиф куч вакиллари битимига имзо чекмаса, Вазирлар Маҳкамаси тарқибини давлат раҳбарининг ўзи тайинлаш мумкинлигини билдирди.

● «Sony» компанияси жаҳон бозоридан «Vaio» русумидаги 500 мингга яқин ноутбукни қайтариб олмоқчи. «Би-би-си ньюс» хабарига кўра мазкур қурилма тизимида қатор носозликлар мавжуд экан. Мутахассисларнинг фикрича, носоз ноутбуклар дунёнинг 48 мамлакатига сотилган экан.

● Германиянинг амалдаги ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер 2009 йил Бундестаг сайловларида канцлер лавозимига номзод этиб кўрсатилади. ИТАР-ТАСС хабарига кўра куни кеча Потсдам шаҳрида бўлиб ўтган Социал-демократлар партияси етакчилари йиғилишида шундай қарорга келинган.

● Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгашининг саккизинчи сессияси Женевадаги Миллатлар саройида иш бошлади. Унда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича янги комиссари Наванетхем Пиллей ташкилотнинг яқин йилларда амалга оширадиган ишлари дастурини тақдим этиши кутилмоқда.

● «РИА новости»нинг хабарига кўра, Халқаро сув уюшмасининг сув таъминоти масалаларига бағишланган халқаро кўргазма ва конференцияси Венада ўз ишини бошлади. Конференцияда 130 давлатдан 3 мингга яқин мутахассис иштирок этмоқда.

● Арманистон атом электр станцияси 5 сентябрь куни капитал таъмирлаш мақсадида 85 кунга ёпилди. Мамлакат фарбидаги Армавир вилоятида жойлашган мазкур АЭС-га умумий қуввати 816 мегаваттга тенг икита энергоблок ўрнатилган.

● Таиланд ахборот-коммуникация технологиялари вазирлиги мамлакатда фаолият юритаётган 400 та Интернет сайтининг ёпилишини маълум қилган. «The Guardian»нинг ёзишича, сўнгги вақтларда мазкур сайтларда мамлакат хавфсизлигига раҳна солувчи қўллаб материаллар жойлаштирилган.

ХОРИЖИЙ ОАВ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИСҚА ДАВР МОБАЙНИДА ЎН ЙИЛЛИКЛАРГА ТЕНГ БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ»

Япониянинг «The Japan Times» газетасида «Ўзбекистон мустақил ривожланиш, тараққиёт ва янги марралар йўлида» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Айни дамда Ўзбекистон мамлакатни фаол ислох қилиш ва модернизациялаш босқичидадир. Давлат олдида турган муҳим дастурий вазифалар мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча жиҳатларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилиши, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, фуқаролар-

ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗГА БАҒИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. УЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ БОРАСИДА ЭРИШИЛАётган ЮТУҚЛАР, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ, САЙЁҲЛИК ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТНИНГ БОШҚА ЖАБҲАЛАРИДА ҚўЛГА КИРИТИЛАётган ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР ҲАҚИДА СЎЗ БОРАДИ.

нинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат.

Тўб ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида истиқлол йилларида мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари барқарор суъратда ошиб бормоқда. Сўнгги беш йил давомида ялпи ички маҳсулот ўсиши 7 фоизни, 2007 йилда ҳамда 2008 йилнинг

биринчи чорағида эса 9 фоиздан кўпроғини ташкил этди.

Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш бора-сидаги мураккаб вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлашга алоҳида

аҳамият қаратилмоқда.

Шу боис ялпи ички маҳсулотдаги таълим харажатлари улуши 12 фоиздан ортқини ташкил этмоқда, ваҳоланки жаҳон амалиётида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мана ўн йилдирки, мамлакатда моҳият ва мазмун жиҳатдан бекиёс ҳисобланган ва узлуксиз таълим тизимини назарда тутадиган Кадрлар тайёрлаш миллий

(Давоми. Боши 1-бетда).

1997 йилда Озарбойжоннинг собиқ президенти Хайдар Алиев Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган.

1998 йилнинг сентябрида ТРАСЕ-КА конференцияси доирасида мамлакатимиз президенти Ислон Каримов Озарбойжонда бўлди.

2004 йилнинг 23-24 март кунлари Озарбойжон Президенти Илхом Алиев Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлисида «Озарбойжон-Ўзбекистон» парламентлараро ишчи гуруҳи таъсис этилган.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги муносабатлар асосини 97 та икки томонлама ҳужжатлар ташкил этади. 1996 йил 27 май куни Бокуда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 2001 йил 18 апрелда Тошкентда имзоланган 2001-2010 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, шунингдек 2004 йилнинг 23 мартда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклики янада мустақамлаш, тўғрисидаги Декларация икки давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг амалий механизми ҳисобланади. Жорий йил 8-9 сентябрь кунлари Боку шаҳрида мазкур комиссиянинг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

2007 йил якунларига қўра, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 6,1 фоизга ортиб, 60,4 миллион долларга етди. Экспорт-импорт улушида Ўзбекистон-

нинг ижобий сальдоси 46,4 миллион долларга тенг бўлди.

Мамлакатимиздан Озарбойжонга — машина ва асбоб-ускуналар, озиқ-овқат моллари, хизматлар, кимё маҳсулотлари, қора ва рангли металллар, энергия ва нефть маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Ўз навбатида, Озарбойжон Ўзбекистонга машина ва асбоб-ускуналар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса буюмлар, турли хизматлар (қўшимча ва ёрдамчи транспорт хизматлари) ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Озарбойжон диёрида Ўзбекистон автомобиль саноати маҳсулотларига қизиқиш сўнгги йилларда айниқса,

Ушбу корхоналар асосан, ички савдо, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, молия ва сугурта, кўчмас мулк, энергетика, илмий хизмат кўрсатиш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлаш, озиқ-овқат тармоғи, қурилиш хизматлари ва энгил саноат соҳаларида иш олиб бормоқда.

Озарбойжон Республикасида ўзбек капитални иштирокидаги «Ўзбекистон» савдо уйи фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар кўп асрлик тарихга эга. Озарбойжонда ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти, унинг жаҳон ва ислом цивилизация-

илмий-амалий конференция ишида Озарбойжон диний ва илмий доиралари вакиллари фаол иштирок этди.

2007 йилнинг ноябрь ойида Триполи (Ливия)да бўлиб ўтган Ислон Конференцияси ташкилотига аъзо давлатларнинг бешинчи конференциясида Боку шаҳри 2009 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан келгуси йили Бокуда бир қатор халқаро тадбирлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда икки давлат ҳудудидида истиқомат қилаётган Озарбойжон ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли вакиллари салмоқли ўрин эгалламоқда.

1989 йилдан буён Тошкентда «Гардашлык» Озарбойжон маданият маркази фаолият юритиб келаяпти. Хозирги пайтда республика-мизда 8 та Озарбойжон маданият маркази иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини 2003 йилда тузилган Озарбойжон маданият марказлари ассоциацияси мувофиқлаштириб туради.

2004 йилнинг 23-24 март кунлари Озарбойжон Республикаси Президенти Илхом Алиевнинг Ўзбекистон Республикасига амалга оширган расмий ташрифи чоғида Тошкентда буюк озар шоири Низомий Ганжавийнинг ҳайкали очилган эди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон вакиллари мунтазам равишда ҳар икки мамлакатда ўтказиб келинаётган турли маданий ва бошқа тадбирларда иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун ҳам қонуний, ҳам гуманитар асослар мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Озарбойжон Республикасига амалга ошира-жак расмий ташрифи икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБОЙЖОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ БЎСАҒАСИДА

ортиб бораёпти. 2008 йилнинг февралдан фаолият бошлаган «UzDAEWOO Baku-Auto» очик акциядорлик жамияти Асака заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар савдосини бошлади. Бундан ташқари, йўловчи ташишда ўзининг афзал жиҳатларини кўрсатган «СамАвто» автотўсишнинг катта миқдори Бокуга етказиб берилди.

«В.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАК сўнгги тўрт йил давомида Озарбойжон авиакомпанияларида Ил-76 ТД русумидаги бешта самолёт етказиб берди.

Ўзбекистонда Озарбойжон сармоялари иштирокидаги 30 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 15 таси қўшма корхона бўлса, яна 3 таси тўлалигича хориж капиталли асосида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан 3 та Озарбойжон компанияси ваколатхонаси рўйхатга олинган.

си тараққиётига қўшган ҳиссасига нисбатан катта ҳурмат билан муносабатда бўлишади.

Икки биродар халқнинг кўп асрлик маданияти ва санъати азал-азалдан ёнма-ён ривожланиб келган, бир-бирини тўлдириб, бойитган. Шу боис икки халқнинг насрий ва назмий адабиёти нафақат шакл нуқтаи назаридан, балки мазмунан бир-бирига уйғун ва ҳамоханг тарзда янграши бежиз эмас, албатта.

Озарбойжонда ўзбек мумтоз адабиётининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодида қизиқиш тобора ўсиб бормоқда. Жумладан, 2007 йил май ойида Бокуда Алишер Навоийнинг «Мезонул авзон» асарининг Озарбойжон тилидаги таржимаси тақдими бўлиб ўтди.

2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши Озарбойжонда илқ кутуб олинди. Ўтган йилнинг август ойида юртимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг Ислон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро

ХОРИЖИЙ ОАВ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИСҚА ДАВР МОБАЙНИДА УН ЙИЛЛИКЛАРГА ТЕНГ БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Хитойнинг «LOOKWE» журналида эса Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи эълон қилинган. Нашр саҳифаларидан, шунингдек, «Ўзбекистон: мустақил тараққиётнинг 17 йили. Янги марралар ва қўзланган максادلари йўлида», «Таълимга эътибор — бугунги ва эртанги кун кафолати», «Соғлом авлод — миллатнинг куч-қудрати» сарлавҳали мақолалар ҳамда юртимизга бағишланган қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Германиянинг «Wostok» журналида нашр бош муҳаррири Бритта Волленвебер хонимнинг республикамызга амалга оширган сафари чоғида тайёрлаган бир қатор ахборот ва таҳлилий мақолалар эълон қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишнинг истикболли йўналишлари» сарлавҳали мақолада жумладан, шундай дейилади: «Маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ҳамда бозор ислохотларини кучайтиришда сармоявий фаоллик давом этаётган бир шароитда 2008 йил Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш йили бўлаёпти.

Буни мамлакатга жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳажми сезиларли даражада ошгани ҳамда саноат ишлаб чиқариши барқарор ўсиб бораётгани ҳам исботлаб турибди. Истеъмом бозори янада кенгайиб, аҳолининг реал даромадлари бир неча баробарга ошди. Шу маънода, давлат корхоналари акцияларини соҳаботчи хорижий сармоядорларга сотиш йўли орқали хусусийлаштириш жараёнининг ривожлантириш иқтисодиётдаги фаолликни оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаёпти.

«Ўзбекистондаги бозор ислохотлари моделининг макроиктисодий стратегияси» деб ном олган мақолада эса қуйидагилар қайд этилади: «Эриштилаган юқори ўсиш суръатлари — бу, аввало, ўзбек халқининг машаққатли меҳнати, демократик ва бозор ислохотлари йўлида ташланаётган изчил қадамлар маҳсулидир.

Истиклолнинг илк йилларида Ўзбекистон учун янги бўлган

бозор иқтисодиётининг пойдевори асос солинди, бозор инфратузилмаси институтлари яратилди, рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатлари механизми йўлга қўйилди. Хусусий мулкчилик шаклланиб, эндиликда улар мамлакатда устувор аҳамият касб этмоқда. Мулкчиликнинг ишончли конституциявий кафолати таъминланди. Республикада иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан тўла чиқариш ҳисобига кўп тармоқли иқтисодиёт амалда шаклланди, мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнаётган хусусий мулкдорларнинг янги қатлами юзага келди».

Козогистоннинг «Деловой Казахстан» газетасида шаҳрловчи Ирина Лисининг Ўзбекистон иқтисодининг 17 йиллигига бағишланган мақоласи чоп этилди.

Унда, жумладан шундай дейилади: «Сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, фаол сармоявий сиёсат, қулай инвестицион муҳит, табиий бойликлар, аҳолининг юқори саводхонлик даражаси, одамларнинг меҳнатсеварлиги, очикқўнғиллик ва меҳмондўстлик фазилатлари халқаро ҳамкорлик тараққиёти учун ёрқин истикболлар яратиб, республика иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиришга имкон бераёпти.

2008 йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган сармоялар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 фоизга, яъни ички маҳсулот эса — 9,3 фоизга ўсди. Дунё иқтисодий инқирозини бошидан кечираётган бир шароитда бу — катта муваффақиятдир.

Бизнесга қўйиладиган солиқ юкини енгиллаштириш хусусий сектор корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиришга имкон берди. Натижада, даромад солиғи тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42,6 фоизга ўсди.

Машина ва асбоб-ускуналар, кимё саноати маҳсулотлари, энергия ва нефть маҳсулотлари ҳамда хизматлар экспортининг ўсиши мамлакат тўлов баланси барқарорлигини ва ташқи савдо айланмасидаги катта ҳажмли ижобий сальдонни таъминлади.

Эркин воситалар Ўзбекистонга тузилмавий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг етакчи тармоқ-

ларини модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш имконини берди. Жумладан, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ҳам ана шу максادلарга йўналтирилган.

Йил бошидан буён юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металл қайта ишлаш (120,3 фоиз), ёқилғи (119,5 фоиз), озиқ-овқат (129,8 фоиз) саноатида қўлга киритилди. Бугун ҳаёт олдинга шахдам қадам ташлашни тақозо этмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда янги ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш мақсадида мавжуд саноат инфратузилмаси реконструкция қилинмоқда ва янгилари бунёд этилаёпти».

Ўзбекистон мустақиллиги кўни арасидаги Туркиянинг «TRT-инт» телеканалли ўзбек халқининг кутлуг байрамига бағишланган теледастурни эфирга узатди. Мазкур телеканал дастурларини жаҳоннинг 110 мамлакатда 100 миллион нафардан зиёд томошабин кузатиб боради.

Муаллиф ва бошловчи, «Евразия» ёзувчилар уюмчаси расиси, «Kardes Kalemler» ойлик адабий журнали ношири Ёкуб Делимураёвнинг таъкидлашича, «мустақил тараққиётнинг 17 йили ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда мамлакат эришган натижалар ҳақида ҳулоса чиқариш учун етарли мулоҳазалар берилди».

«Ўтган қисқа давр ичида ўзбек халқи ўз қўлими ва мазмунига қўра ўн йилликларга тенг бўлган ислохотлар ва ўзгаришларни амалга оширди, деди журналист. — Бугун Ўзбекистон бутун дунёга барқарор давлат сифатида танилди ва жаҳон ҳамжамияти республиканинг ютуқларини, унинг нафақат Марказий Осиё, балки дунё микёсидаги ўрни ва ролини муносиб баҳоламоқда.

Ҳар қандай давлатни миллат сифатида белгилловчи айрим жиҳатларга тўхталиб, ўзбек халқи ўзининг маданий-тарихий меросини, миллий аъналар ва урф-одатларини нафақат ўзи учун, балки биз ва жаҳон ҳамжамияти учун ҳам сақлаб қола олганини айтиш даркор.

Ўзбекистон раҳбарияти Бахоруддин Нақибанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридӣ, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк шахсларнинг мақбаралари, меъморий ёдгорликлари ва бошқа қадамжоларни қайта тиклаш ва таъмирлаш

ишларида алоҳида эътибор қаратмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон ислом цивилизацияси олим ва бунёдкорларининг нодир тарихий меросини сақлаб қолган жаҳондаги санокли мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир пайтда Ўзбекистон тарих, дин ва нафақат ислом дини, балки бошқа динларга эътиқод қилувчилар қадриятлари ҳамда урф-одатлари ҳамда хурмат билан муносабатда бўлаётгани ҳам эътиборга молик. Бугун Ўзбекистон сиёсий жиҳатдан қамол топган иқтисодий мустақил давлатдир».

Юртимизга бағишланган маҳсул мақолалар, шунингдек, Туркиянинг «Босфор», «Zaman», «Hurriyet Izmir», «Yeni Asir», «Anayurt», «Yenigun», «Dokuz Sutin», «Turkiye Sazetesi» ва «Kardes Kalevler» каби қатор даврий нашрларида ҳам эълон қилинди.

Таиланднинг «Naew-Na» газетасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган маҳсул мақола эълон қилинди. Унда Ўзбекистон ҳақидаги қизиқарли маълумотлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида эришляётган ютуқлар, мамлакатимизнинг иқтисодий, сармоявий ва сайёхлик салоҳияти ҳақидаги мақолалар келтириб ўтилган.

«Вечерний Душанбе» газетасининг навбатдаги сонидида «Ўзбекистон ҳар томонлама мустақил ва ўзини ўзи таъминлайдиган давлат» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Журналист Ж.Хусейновнинг ёзишича, «мустақил тараққиётнинг ўтган йилларини сарҳисоб қилиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва қучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган очик, дунёвий, демократик давлат қуришда мамлакат эришган салмоқли ютуқлар ҳақида гапириш мумкин».

«Ўзбекистон ҳар томонлама мустақил ва ўзини ўзи таъминлайдиган давлатдир. Истиклолнинг қўлга киритган илк куниданоқ Ўзбекистон озиқ-овқат, айниқса дон ва энергия мустақиллигини таъминлаш йўлидан борди. Агар мустақилликка қадар мамлакатда атиги 300-400 минг тонна дон етиштирилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 6 миллион тоннадан ошди», — деб ёзади тожикистонлик журналист.

«Словес Кыргызстана» газе-

тасида «Мустақиллик тарих нуқтаи-назарида» мақоласи чоп этилди. Унда ўтган йиллар давомида Ўзбекистон босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли атрофида таҳлил қилинади. «Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ривожланиш экстенсив омили, яъни жаҳон бозорида нефть, газ ва бошқа хомашё ресурсларининг нархи тинимсиз ўсиб бориши ҳисобидан таъминлангани йўқ, — дейилади мақолада. — Бунга авваламбор, аниқ мақсадга йўналтирилган бозор ислохотларини жорий этиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқлар ва корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган рақобатбардор янги корхоналарни бунёд этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эришилмоқда».

Афғонистон Ислон Республикасининг етакчи нашрларидан бири — инглиз ва дорий тилларида чоп этиладиган «Daily Outlook Afghanistan» газетасининг икки саҳифасида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кўнига бағишланган маҳсул мақолалар чоп этилди.

«Ўзбекистон: мустақил тараққиётнинг 17 йили, янги вазифалар ва максادلар», «Ўзбекистонда таълим тизими — келажак тараққиёти кафолати» мақолаларида, шунингдек, «Ўзбекистонни кашф этилиши» руҳида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳақидаги материаллар чоп этилган.

Покистоннинг «Post Islamabad» газетасида мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон тараққиёт ва раванг йўлида» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Шунингдек, ушбу мамлакатнинг «The Nation», «Pakistan Observer», «Ittihad» газеталарида миллий байрамимизга бағишланган урта маҳсул сон чиқарилди. Уларда «Ўзбекистоннинг 17 йиллик мустақил тараққиёти», «2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти натижалари ҳақида», «2008 йил - Ўзбекистонда ёшлар йили», «Қўп миллатли Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон — ислом цивилизацияси маркази» мақолалари эълон қилинган.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАБ, ЭЛГАДАСТУРХОННИ ФАЙЗИНИ ОШИРИШДА БОЗОРНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ИШ ЮРИТАЁТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР.

Хусусий тадбиркор Виктор Казанцевнинг бу борадаги изланишлари алоҳида эътирофга лойиқки, шу асосда яратилган қолбаса ва гўшт маҳсулотлари сифати, қадоқланиши билан харидорларни жалб этмоқда. Маҳаллий хом ашё — гўштни қайта ишлаш йўли билан тайёрланаётган дудланган, ярим дудланган, қайнатиб пиширилган қолбаса, сосиска ва турли гўшт маҳсулотлари тури бугунги кунда 200 хилдан ортиб кетди.

Виктор Казанцев хусусий тадбиркор сифатида 2003 йилда фаолият бошлаган бўлиб, маҳсулот турларини яратишда харидор талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олади. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам у бир неча янги турдаги маҳсулотларни харидорларга тортиқ этди.

Хусусий тадбиркор пойтахтимизда фаолият кўрсатиб, ўз савдо маркази билан қўллаб харидорига эга бўлган «ГеоМАХ» масъулияти чекланган жамияти қошида меҳнат қилиб, изланишлари самараси билан корхона ривожига муносиб хисса қўшмоқда. Хозирда мазкур корхонанинг шахримизда 10 тадан зиёд фирма дўконлари мавжуд бўлиб, аҳолига ўз маҳсулотлари билан сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Тадбиркор жамоа аҳли келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, маҳсулот турларини замон талабларига мос равишда қўлайитириб, қадоқланишига эътибор қаратиш, сифатини янада оширишни мақсад қилишган. Улар ўз маҳсулотлари билан ҳар бир хонадон дастурхонини безатиш ният қилишган. Албатта, бу борада сифатли маҳсулот турларини яратишга ўз хиссасини қўшаётган хусусий тадбиркор Виктор Казанцевнинг муносиб ўрни бўлади.

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛАДИ

БОЗОР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ИЗЛАНАЁТГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР ЭДУАРД СЕДИХНИНГ ИШ БОШЛАГАНИГА ҲАЛИ БИР ЙИЛ ТЎЛГАНИ ЙЎҚ, ЛЕКИН У ТАЙЁРЛАГАН ЧАРМ ПОЙАБЗАЛЛАРНИ ИЧКИ БОЗОРДА ХАРИДОТГИР БЎЛИБ, БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ҲАМ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

— Корхонамизда 10 та пойабзалчи иш билан таъминланган бўлиб, улар ўз касбининг усталари саналади, — дейди тадбиркор Эдуард Седих. — Ўтган қисқа давр ичида Туркиядан келтирилган дастгоҳ ва жиҳозлардан оқилона фойдаланиб Россия, Италиядан келтирилган ва маҳаллий чарм хом ашёсидан 50 хилдан зиёд эркак ва аёллар оёқ кийимларини тайёрлашга эришдик. Уларни хориж катологлари асосида ишлаб чиқаряпмиз. Қўриниши, мустаҳкамлиги, сифати билан импорт ўрнини боса олади.

Тадбиркорлар жорий йил охиригача яна 15 турдаги янги пойабзал моделларини яратиш устида ишлашмоқда. Улар орасида турли хил аёллар этиклари бор. Россиялик ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлашга интиляётган пойабзалчилар келгусида ўз товарларини фақат ички бозорга чиқариб қолмай, экспорт қилишни ҳам режалаш туришибди. Албатта, улар яқин кунларда ўз фирма дўконларига эга бўлишни ният қилишган. Мухими эса чидамлиги ва сифати билан хорижники билан рақобатлаша оладиган турли хил пойабзаллар уларга нисбатан арзонлиги билан афзалдир. Изланишлар давом этар экан, албатта муваффақиятларга эришилади.

Шарофат БАХРОМОВА

ИЗЛАНИШ АСОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҲУЗУРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЁШ ДАСТУРЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН МАСОФАДАН ҲИСОБГА ОЛИШ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Энергетика, нефть-газ мажмуаси, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун мўлжалланган мазкур тизим ёш дастурчилар изланишларини янада яхшилашда ҳам қўл келди.

Янги тизим алоқа тармоғининг яна қатор йўналишларига ҳам татбиқ этилади.


Акбар АЛИЕВ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТ ТАЪМИНОТИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИДА «ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТ ТАЪМИНОТИ» МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаёшлар иштирок этган тадбирда хориждаги нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилиниб, келгусидаги режалар ўзасидан фикр алмашилди.

Узлуқсиз таълим тизими олий таълимда алоҳида ўрин тутди. Олий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳам замонавий ўқув дастурлари асосида юқори натижаларни ўқитиш ва малакали рақобатбардор кадрлар тайёрлаш таъминлаш ҳисобланади. Бунинг учун таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини жорий этиш орқали ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда таълим сифатини янада яхшилашга эришиш лозим. Таъкидлаш жоизки, Польша ва Бельгиянинг биттадан университетини ҳамда юртимизда фаолият олиб бораётган бир қатор олий таъ



2008 — Ёшлар йили

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, БОСКИЧМА-БОСКИЧ АМАЛГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ, 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ БЕРАЁТГАН САМАРАЛАР БУГҲОН НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗ, БАЛКИ ЖАҲОН МИҚЁСИДА ҲАМ КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТИР.

Мамлакатимизда янги-янги таълим масканлари барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирланаётди. Учтепа туманидаги Миллий касб-хунар коллежи ҳам жорий йилда қайта таъмирланиб, янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ҳақда коллеж директори Шухрат ИНОЯТОВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги кунда билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий мебель, ўқув-услубий ва техник жиҳозлар билан таъминлаш, тақомиллашган давлат стандартлари асосида дарсликлар, ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар яратиш ва жойларга етказиш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилаётди. Ўқув жараёни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксак поғонага кўтариш, ўқитувчиларнинг жамиятимиздаги мавқеини изчил мустаҳ-

камлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг замирида эса, ёшларимизнинг бахтли ва тўқис келажаги мужассамдир. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номланиши бежиз эмас. Президентимиз ғамхўрликлари остида олиб борилаётган хайрли ишлар келажақда ўз мевасини беради, албатта. Биргина коллежимиз тимсолида қарайдиган бўлсак, ўқувчиларнинг хунар ўрганишлари, билимларини янада мустаҳкамлашлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилган. Янги ўқув йилида 330 нафар ўқувчиларни қабул қилдик. Ўқув масканимизда юз ўринли ошхона, ўн беш мингдан ортқ китоб фондига эга бўлган кутубхона, киши ва ёзги спорт майдонлари ўқувчилар ҳизматига шай қилиб қўйилган. Коллежимизга қабул қилинган ўқувчиларни, янги ўқув муассасаси шарт-шароит-

лари билан яқиндан таништириш, дастур ва режаларимиздан воқиф қилиш учун сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида «Меҳнат тағида роҳат» мавзuida давра суҳбати ўтказишни режалаштирганмиз. Тадбирда ўқувчилар наинки коллеж ҳаёти, балки ундаги дарс жараёнилари, ўқитувчилар билан ишлаш гуруҳлари, турли хил тўғараклар фаолиятлари ва бугунги кунгача коллеж ҳаётидаги энг шарафли ютуқлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Дарҳақиқат, Миллий касб-хунар коллежиди ўқувчиларнинг илм олишлари ва хунар ўрганишлари учун кўнгилдагидек шароитлар яратилган. Ўқув масканини заргарлик, тикувчи-модельер, миллий либослар тикувчиси, ёғоч ўймакорлиги ва бухгалтерия ҳисоби каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади. Жорий йилда 237 нафар

ўқувчилар коллежни тугатиб мураккаб ҳаётга йўл олдилар. Шулардан 12 нафари олий ўқув юртига қабул қилинди. 85 фоизи эса ўз мутахассисликлари бўйича жойларга ишга юборилиб ва иш билан таъминланди.

— Мен яқиндагина ушбу коллеж талабаси бўлдим, — дейди миллий либослар тикувчиси йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган Салима Юсупова. — Синфдошларим Умида ва Азизлар ҳам шу коллежда ўқишди. Менга бу ердаги шароитлар жуда ёқди. Ҳаммаёқ саранжом-саршита, айниқса қийос очилиб ётган гулларни кўриб бахру дилингиз очилди. Ўқитувчиларнинг самимийликлари ва меҳрибонликларидан қалбимиз қувончга тўлди. Келажақда режаларим ҳам талайгина. Бу ерни муваффақият билан битириб чиққангидан кейин, олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчиман.

Дарҳақиқат, Учтепа туманидаги касб-хунар коллежиди ёшларнинг билимли ва хунарли бўлишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Спорт тўғараклари ва турли хил фан тўғаракларида малакали мутахассис ўқитувчилар иш олиб борадилар. Қар йили шаҳар ва республика миқёсидаги ўтказилиб бориладиган кўрик-танловлар, мусобақалар ва тадбирларда коллеж ўқувчиларининг юқори совринларни қўлга киритишлари ҳам коллеж нуфузини янада ошириб бормоқда. Ёшларимизнинг маънавиятини, маданиятини ошириб, онг ва тафаккурини янада теранлаштириб, билиминини шакллантириб, уларга хунар ўргатиб келувчи ушбу масканнинг, келажақда янада нуфузи ошишини чин дилдан истаб қоламиз.

Гулҳебра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: Учтепа туманидаги касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИ, ЖУМЛАДАН, ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУНИНГ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ЎҚИШ ВА ИШГА КИРИШДА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРДАН УНУМЛИ ФойДАЛАНАЁТГАН СОБИҚ АСКАРЛАР ҲАЁТДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида маълум қилишларича, бу йил уч юз эллик нафарга яқин йигит Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафидида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ берилган имтиёз асосида мазкур олий таълим муассасаси талабалари сафига қўшилган.

— Ўқишга қабул қилинганимдан жуда хурсандман, — дейди ушбу университетнинг қаҳриқача ҳарбий таълим факультети биринчи курс талабаси Жамшид Абдиев. — Эндиги мақсадим эса, ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликни оқлаш ва танлаган соҳамнинг етук мутахассиси бўлиш йўлида астойдил ўқиб-изланишдир.

Х.САЛИМОВ
(ЎзА)

Шарҳловчи минбари

ЭЛЕКТРОН КИТОБ:

ҲОЙДА ВА ЗАРАР

Бугун ҳаётни замонавий технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Интернет орқали самолётга билет олиш, такси чақириш ёки овқат буюриш мумкин. Дунёдаги воқеалар билан танишиш учун санокли сониялар етарли.

Лекин бу қулайликлар ҳали ҳам, шекилли, Буюк Британияда электрон китоб кашф этилди. Хотирасига бир юз олти-мишга яқин асарни сиғдира оладиган ушбу ғайриоддий электрон китобнинг баҳоси 199 фунт стерлинг (тахминан 360 АҚШ доллари). Оддий китобларига нисбатан қимматроқ, албатта. Лекин бу бежиз эмас. Кутубхона анча узоқда бўлса ёки у ерга бориш имконияти чекланган бўлса, мазкур электрон китоб кишига жуда асқотди ва китоб кўтариб юришдек «огир ташвиш»дан халос этади.

Ҳар яқинининг бир ёмони бор деганларидек, олимларнинг сўзларига кўра, интернет ва мобиль алоқа каби воситалардан меъёридан ортққ фойдаланиш асаб тизимининг бузилишига ҳамда уйқусизликка олиб келади. Шу сабабли аксарият китобхонлар электрон китоблардан фойдаланишни рад этмоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, электрон технологиялардан хаддан зиёд фойдаланиш нафақат асаб тизимига, балки бошқа бир қанча касалликларнинг ривожланишига ҳам олиб келади. Соҳа мутахассисларининг узоқ йиллик изланишлари шуни кўрсатадики, мобиль телефонда меъёридан ортққ сўзлашиш мияда саратон касаллиги ривожланишига сабаб бўлади. Италиялик олимларнинг таъкидлашича эса бундай телефонларда керагидан ортққ смс-хат ёзиш бармоқ пайларининг яллиғланишига олиб келади. Бу эса турли инфекция ва вирусларнинг инсон организмига осон кириб бориши учун йўл очади.

Болаларнинг мобиль телефонлардан узоқ вақт давомида фойдаланиши ва компьютер ўйнаши уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли шифокорлар ота-оналарга фарзандларининг мобиль телефон ва компьютердан фойдаланиш вақтини чеклашни тавсия қилмоқда.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

ХОЛИС НИЯТ

Мустақиллик байрамидан кейин уч-тўрт кун ўтган аёлим: «Отаси юринг, биз ҳам одамларга ўхшаб бир шаҳар айланайлик, кўчаларни кезиб сайру саёҳат қилиб қайтайлик. Ахир ҳар йили байрам арафасида шаҳримизда қанча-қанча ўзгаришлар бўлади. Бу янгиликлардан биз ҳам четда қолмас бўлмас», деб қолди. Чиндан ҳам шундай тантанавор кунларда уйда ўтириб бўлармиди, албатта кўча кезиб, одамлар билан суҳбатлашиб, Тошкентимизда бўлаётган ўзгаришлардан, янгиликлардан бохабар бўлгунг келади. Шунинг ўйлаб тақлифга баҳонидил рози бўлдим.

Саёҳатимиз Амир Темур кўчасидан бошланди. Бошдан оёқ янгиланган кўчада ҳали ҳам байрамона руҳ кезиб юрибди. Ён-атрофдан шошқич ўтиб бораётган катта-кичикнинг тилида байрам таассуротлари.

Дастлаб Шахидлар хотира майдонини зиёрат қилишга чоғландик. Мармар зиналар бўйлаб паства тушиб борар эканмиз, аёлим хотира музейи олдида қад ростлаган янги бинони кўриб, «Вой тавба, бу бинони қачон бунёд этиб улгуришибди» дея ҳайратга тушди. Кейин «Қаранг отаси, ҳар иккала бино бир-

МЕН АЙБДОРМАН

Суҳбатдошим ёшгина, қадди-қомати келишган, ақли расо йигит. Ҳар бир сўзини ўйлаб, адолат юзасидан гапирди. Унинг ҳажжонли ҳуқюқсини берили тинглар эканман, ўйланаман. Қани энди ҳамма ҳам шу йигитдек бўлса, билиб-билмай, баъзан турфа ҳаёллар билан йўл қўйган ноҳўя қилимишига ақл тарозуси билан баҳо берса, ундан тўғри хулоса чиқарса дейман.

— Кўпни кўрган кексалар, «хаёт мураккаб, бахт кемтик, бири кам дунё» десалар ҳайрон бўлардим. Аслида улар бу сўзларни сир-синаотларни бошдан кечириб, турмуш чигиринидан ўтказиб айтган эканлар отахон, — дейди у бир нуктага тикилганича ҳуқюқсини давом эттириб. — Ёшлигимдан ҳуқюқшунос бўлишни орзу қилардим. Урта мактабни тугаллаб, юридик институтга ҳужжатларимни топширдим. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб талаба бўлдим. Учинчи курсда ўқийётганимда бир қиз билан танишиб қолдим. У тиббиёт институтида ўқир экан. Қунар ўтган сари Зебохон билан бир-биримизга қаттиқ боқланавердик. Бора-бора бир кун қўришмасак, туролмайдиган бўлдик. Уялибми, йиманибми, Зебохон билан орамиздаги муҳаббатни ота-онамдан

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

бирига мос тушибди. Худди Хасан-Хусан дейсиз» дея менга юзланди. Беихтиёр хотира музей томон юрдик. Эринмай ҳар иккала бинодаги экспонатлар билан танишдик. Биринчисида, ўтмишнинг қора кунлари ва у қолдирган асортлар ўрин олган бўлса, иккинчисида, бугунги нурафшон кунларимиз, истиклолдан кейинги йиллар, эришган ютуқларимиз кўз ўнгимизда жонлангандек бўлди. Музейга кириб келувчиларнинг кети узилмайди. Улар орасида ёшлардан тортиб, нуруний кексаларгача бор. Ташриф буюрувчиларнинг кўзлари биринчи бинодан ёшланиб чиқса, иккинчисида чикчанларнинг кўзлариди фаҳр туйғуси нурулини туради. Шу дамда гўё қаердандир «Эй овоз ва эркин замонда яшаётган инсонлар ўтмишини ўзингизнинг бугунги дорилмомон кунларининг қадрига етинг», деган ақс садо янграётгандек бўлади.

Бир олам таассуротлар билан майдонни тарқ этиб, юра-юра Мустақиллик майдонига етиб келдик. Бу ерда кўрган-кечирганларимизнинг чеки йўқ. Очиғи уларни айтиб ҳам, қозғога тушуриб ҳам бўлмайди. Қай бирини айтиб улгуриш мумкин. Чор атрофдаги ўзгаришлар, осмон бўйлаб сув пуркаб турган бир-бирдан гўзал фавворалар, лайлак қўниб турган мажмуа пештоқи ва бошқа янгиликлар ҳақида соатлаб ҳўқюқ қилиш мумкин.

Фафур Гулом боғига етиб келганимизда кун пешиндан оққан эди. Очиғи бу жаннатмакон бог, чинакам боғи эрам бўлибди. Бошқаларни инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, боғнинг бугунги ҳолати исми жисмига мос тушибди. Болаларнинг қувноқ хандалари атрофни тутган. Богдаги барча аттракционлар, кўнгилочар уйингоҳлар ҳаммаси жажжилар хизматида. Бу болакайлар ёшлигининг бахтиёр дамларини ана шундай кўнгили ўтказишмоқда. Уларнинг қўлидан тутган ота-оналарнинг қувнони чексиз.

Мовий кўлда шамолдек олиб бораётган қайиқлар бир-биридан ўзишга ҳаракат қилади. Уларни шўх-хандон ёш-яланғар мохирлик билан бошқариб боришяпти. Қайиқларнинг жадал ҳаракатидан қўл сатхи мавжланиб тўқилар сокин қирғоққа урилиб, ажиб бир манзара касб этади. Қай томонга қараманг шодлик, ўйин-қўлги. Шуларни кўриб кўнглимиздан бир гап ўтди. «Ишқилиб ҳаммиса осмонимиз мусаффо бўлсин. Юзларимиздан табасум аримасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик мудом барқарор топсин. Мустақиллигимизга кўз тегмасин. Истиқлол қўёши абадул-абад бошимизда чарақлаб турсин». Мана шундай ният ва истаклар билан уйимизга қайтдик.

Сўранг, жавоб берамиз

ҲИНИГЗИНИ СОТМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Савол: Хўсусийлаштирилган уй-жойимни сотмоқчиман, шунинг учун турар-жойининг қонун бўйича олди-сотдиси хўсусиди тушунча беришингизни сўрайман.

Камол Жабборов,
Учтепа тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 24-моддасида қайд этилишича, уйнинг, квартиранинг олди-сотди ва айирбошлаш шартномаси ёзма шаклда, тарафлар имзоладиган битта ҳужжати тайёрлаш йўли билан тузилади ҳамда давлат нотариуси тасдиқидан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Уйнинг, квартиранинг олди-сотди шартномаси шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Сотиб олувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ турар жойдан фойдаланиш шу уй, квартирани олди-сотди шартномасининг мўҳим шарти, бу — шахсларнинг рўйхатини сотилаётган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Кооператив уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативлари аъзолари пай бадалларини тўлиқ тўлаб бўлганидан кейин вуҷудга келади.

Хўсусий мулкдаги уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказилиши мумкин.

ҲАДА НИМА?

Савол: Яқин қариндошларимиздан бири ўзига тегишли мулкдан бир қисмини менга ҳада этмоқчи. Мен эса баъзи сабабларга кўра уни олмақчи эмасман. Шундай қилиш мумкинми? Умуман, ҳада берувчи ва олувчининг мажбуриятлари ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Обид КЕНЖАЕВ,
Ҳамза тумани

Жавоб: Саволингизга Фуқаролик кодексининг 31-боб 502-ва 503-моддаларидан қаноатлантирарли жавоб топиш мумкин. Яъни ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Аш ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳада деб тан олинмайди.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳада этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажақда аниқ шахсга аш ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ қўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади.

Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган вақтда уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳада шартномаси бекор қилинган деб ҳисобланади.

Агар ҳада шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма тарзда амалга оширилиши керак. Агар ҳада шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар ҳада шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳада қилувчи ҳада олувчидан ҳадяни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

Савол: Мен бола асраб олмақчиман. Лекин унинг йўл-йўриги, тартиб-қоидаларидан хабардор эмасман. Илтимос, шу ҳақда тушунча берсангиз.

Хумора ДЕҲҚОНОВА,
Зангиота тумани

Жавоб: Фарзандликка олишга қафат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини қўзғаб йўл қўйлади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Воға етган эркак ёки аёл фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Қуйидаги шахслар эса бундан мустасно: Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

Қўнун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; Асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган, асослар бўйича фарзандликка олинганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

АЛИМЕНТИ ТЎЛАШ ВА УНДИРИШ

Савол: Икки нафар фарзанднинг онасиман. Собиқ умр йўлдошим бир ой алимент юборса, икки ой юбормади. Қонунда бундайларга қарши қандай чоралар қўрилади?

Саида САЛАНОВА,
Чилонзор тумани

Жавоб: Алимент тўлаши шарт бўлган шахс алименти ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўлайди.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс алимент талаб қилиш ҳуқуқи вуҷудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Агар алимент учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар қўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортиганини оқибатида алимент олинмаганилиги суд томонидан аникланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан ундирилади. Агар улар ҳам етарли бўлмаса, ундириш алимент тўловчининг мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Икром ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос

ОЗ-ОЗ ЎТГАНДО

Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР

Ўтганларнинг бошдан кечирган кунлари, ҳаётлари, ҳар қандай ҳодиса, воқеалари келажак авлод учун улугъ тажриба ва буюк ибрат бўлди.

Кайгулиларга бу ғам ўткинчидир деб қил хабар,
Чунки шодлик битганидек, қайгу ҳам бир дам — ўтар.

Пухта мулоҳаза юритмаганларнинг келажаги фожиали.

Каромат кўрсатиб, оламга ёй бор фазлу ҳиқматни,
Бўлак фазл аҳли сўнгра фазлу ҳиқматдан ибод қилсин.

Ғаму ғуссадан қоч, яшаш истасанг,
Бўлиб ўтган ишга қуйиб, бўлма танг.
Бугунги ишингдан бугун сен қувон,
Қилиб эртани ўй, бугун ютма қон.

Ўғирлар ақлни ҳама хом ҳаёл,
Муяссар бўлиш-бўлмаси эҳтимол.

Сирингни сакламасанг, бошқа сенга сир айтмас.
Сени ҳалок қилур, элга фош этилган сир.

Ишончли кишиларгина сирни сақлайдилар.

Бирас васл иладир мамнун,
Бирас ҳажр ила овора.

Вафосизлар солур ҳар доимо ҳуснини бозора.

Шошилма кўп, етасан, тез етишга интилма.

Фалак етурса жафо сенга, тортмагин ташвиш,
Бўлурсан эртаси шод, бу фалак фани шу эмиш.

Айб кишининг ўзида бўлади.

Дунё шундай золу шундай маккора,
Бир юзи оқ унинг, бир юзи қора.

Жим, ювош, аврайдиди бор коинотни,
Берар, қайтиб олар бахтни, ҳаётни,

Агар ёлғон кишини ҳалокатдан қутқарса,
Ҳақиқат ҳам қутқаради.

Сафар қилмас худди қўлмак сувга ўхшайди,

Сасиб, бир ерда турса сув узок, огуға ўхшайди,
Эшитмок, кўзда кўрмок фарқи бор ер ила осмонча,
Бировнинг айтгани туш, тинглаши уйкуға ўхшайди.

Ўқинг отилмагунча тегмагай мақсад нишонига,
Аялган жон, уйингда тургувчи паркуға ўхшайди.

Ҳар бир иш устида мулоҳаза юритиб,
Эҳтиёткор бўлишга одатлан.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИ БЎЛГАН КУРАШ ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ВА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БЕВОСИТА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШЛАРИ БОИС ЖАҲОН СПОРТИГА АЙЛАНГАНИГА 6 СЕНТЯБРЬ КУНИ РОППА-РОСА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ. ЭНДИЛИКДА ДУНЁНИНГ БЕШ ҚИТЪАСИДА, ЯЪНИ 102 ДАВЛАТДА РИВОЖЛАНГАН КУРАШ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖАҲОН САҲНАЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

Кураш

ЎЗЛИГИНИ НАМОЁН ҚИЛМОҚДА

Шу муносабат билан яқинда пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Кураш Халқаро Ассоциациясининг навбатдаги Ижроия қўмита йиғилиши ва журналистлар билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда курашнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинлари доирасида тақдирланган Ўзбекистон кунлари тақдироти масалаларига ҳамда 2007 йил Макаода ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида бўлиб ўтган кураш мусобақалари билан бир қаторда ноябрь ойида Туркия давлатида бўлиб ўтиши кутилаётган Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида



тайёргарлик масалаларига тўхталиб ўтилди.

Шунингдек мажлисда КХА Президенти Комил Юсупов, КХА биринчи вице-президенти Жағдеш Татлер, Европа кураш конфедерацияси президенти Яшар Башаран, КХА спорт директори Эль Жамали Эль Араби, КХА ҳакамлар директори Реза Нассири, Осиё кураш конфедерацияси президенти Муҳаммад Деракшан, Америка кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауре, КХА ҳуқуқий масалалари бўйича директор Ласло Тот, КХА Бутун жаҳон курашнинг ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳабибулла Тожиёв, КХА халқаро спорт ташкилотлари билан алоқалар директори Мичислав Бигошевский, маркетинг директори Мирано Илиадис сўзга чиқиб миллий курашнинг бугунги кундаги ютуқлари, олиб борилаётган кенг камровли ишлар ва режалар ҳақида Осиё, Африка, Океания кураш конфедерацияларининг ўз китъаларида кураш-


ни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

КХА бошқа спорт ташкилотлари, жумладан ФИЛА ташкилоти билан дўстона алоқалар ўрнатиш масаласи ижрокўм аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. Албатта, мусобақалардаги одилона ҳакамлик масалалари бўйича чиқиши ҳам мажлис қатнашчиларида кучли қизиқиш уйғотди.

Бугунги кун натижаларига кўра КХА Ижрокўм аъзолари сони жиҳатдан кураш ватани — Ўзбекистон биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Маълумки, Кураш Халқаро Ассоциациясининг 10 йиллик тўйи муносабати билан уйғунлашган ҳолда юртимизда катта кураш тадбири ҳам бўлиб ўтмоқда. Амир Темур хотирасига бағишланган анъанавий V халқаро турнир дунё полвонларини яна кураш ватанида жамлади.

7 сентябрь кунини Шаҳрисабз шаҳрида бошланган турнирда 30 га яқин давлат полвонлари мутлоқ вазн тоифасидаги ғаламга чиқдилар. Польша, Греция, Буюк



Британия, Янги Зеландия, Саудия Арабистони, Туркия, Гонконг, Жанубий Корея, Монголия, Украина, Эрон, Россия, Тожикистон, Германия, Франция, Марокко, Бразилия, Ироқ каби жуда кўплаб бошқа давлатлардан ҳам вакиллар ташриф буюрдилар.

Кураш Халқаро Ассоциацияси курашимизни халқаро майдондаги ривожига ҳисса қўшаётган кишиларни муносиб тақдирлаш мақсадида ўзининг бир қатор нуфузли мукофотларини таъсис этган. Жумладан улар қаторига КХАнинг олий мукофоти «Олтин ордени» ва «Олтин медал»ни қиритиш мумкин. КХА нинг «Олтин медал»и 2007 йили Монголияда бўлиб ўтган Ижрокўм йиғилишида таъсис этилган ва Ижрокўм йиғилиши қарори билан тақдим этилади. Бундай олий мукофот курашнинг халқаро майдондаги ривожланишига қўшган ҳиссаси билан юқори натижаларга эришаётган давлат раҳбарларига, халқаро спорт ва жамоат ташкилотлари раҳбарларига, минтақавий конфедерациялар ва федерациялар президентларига ҳамда их-

роия қўмита аъзоларига, Халқаро бизнес компаниялари раҳбарларига, машҳур ва фахрий спортчиларга тақдим этилади.

КХАнинг биринчи олтин медали V жаҳон чемпионатининг юқори савияда ташкил этилишида ва курашнинг ривожлантиришдаги хизматлари учун Монголия давлати бош раҳбари Энхболд Миёгомбога, иккинчиси эса Венгрия кураш федерацияси президенти Ласло Тотга, учинчи олтин медал КХА вице-президенти, Хиндистон Кураш Федерацияси Президенти Жағдеш Татлерга тақдим этилган.

Курашнинг ўн йиллиги муносабати билан, унинг ривожига улкан ҳисса қўшаётган бир қатор жонқурларга «Олтин медал» топширилиши кўзда тутилмоқда.

Дарҳақиқат, миллий ифтихоримиз бўлган кураш бугунги кунда ўзлигини намоён қилмоқда. Унинг доғруғи етти иккимини тутмоқда. Ўзбекининг ўзлигини, миллийлигини, анъана ва қадриятларини ўзида мужассамлаштирган курашнинг йўли нурафшон ва зафарлидир.

Гули ЧЕХРА

Футбол

ҲАЛИ ИМКОНИЯТЛАР ОЛДИНДА

ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОҲА ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА УОШТИРИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ ҚАТАР-ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ IV БОСҚИЧ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар икки терма жамоа ҳам майдонга фақат ғалаба қозониш иштиёқида тушганликларини яшириб ўтиришмади. Биринчи бўлим тенг курашлар остида ўтган бўлишига қарамай, ҳимоячиларимиз ҳатоси туфайли Абдулла Коний томонидан дарвозага кири-

тилган гол эвазига майдон эгалари ҳисобда олдинга чиқиб олишди.

Иккинчи бўлимда ҳамюртларимиз ҳам ҳужумга зўр берди. Шацких, Оди Аҳмедов рақиблар дарвозасига гол қиритиш имкониятига эга бўлишди. Бироқ омад улардан

юз ўғирди. Гейнрихнинг майдонга туширилиши ўзбекистонликлар ҳужумини янада қучайтирди. Ҳатто жарима майдониди Гейнрихга нисбатан ўйин қоидаи қўполлик билан бузилди. Аммо, ҳакам пенальти белгиланмади. Бундай хатолик Галиулинига нисбатан ҳам қўлланилди. Чунки ёш футболчимиз жарима майдончаси ичида чапиб йиқитилган эди. «Сен гол урмасанг, сенга уришади» деган мақол тўғрилиги яна исботланди. Учрашув тугагунга қадар араблар яна икки марта Нестеров дарвозасини аниқ нишонга олишди.

Хуллас мурасасиз кечган баҳс 3:0 ҳисобида яқунланди. Аммо, саралаш турнирининг IV босқичи энди бошланди. Ҳали имкониятлар етарли.

(Ўз мухбиримиз)

Теннис

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ТУРНИР ҒОЛИБИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 13-16 ЁШЛИ ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ТЕННИС БЎЙИЧА УОШТИРИЛГАН АНЪАНАВИЙ «НВУ» САР — 2008» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.

Ғап шундаки, Ўзбекистон, Япония, Туркменистон, Хиндистон, Россия, Қирғизистон Республикаларидан келган ёш ракетка усталари иштирокидаги баҳсларда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Яккалик баҳсларида ҳамюртларимиздан Жонибек Оразалиев ва Альбина Ҳабибулиналарга шохсупанинг энг юқори поғонаси насиб этган бўлса, қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида ҳам Альбина Ҳабибулина ва Алиса Огородоваларга тенг келадиган рақиб топилмади.

Ўсмирлар ўртасида ҳамюртимиш Юрий Маслов ва россиялик Владислав Дубинский жуфтлиги биринчи ўринни эгаллади.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Регби

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

РОССИЯНИНГ МОСКВА ВИЛОЯТИДА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА РЕГБИ БЎЙИЧА УОШТИРИЛГАН РОССИЯ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ.

Ушбу нуфузли мусобақада россиялик спортчилардан ташқари ўзбекистонлик ва қозғистонлик регби усталари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Дастлабки учрашувда Саратовнинг «Русь-Динамо» жамоаси билан куч синашган ҳамюртларимиз мезбонларни 4:0 ҳисобида мағлуб этиб мусобақани ғалаба билан бошлашди.

(Ўз мухбиримиз)

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ 11 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Бугунги кун рамзи бўлган «Ўз думини ташлаётган илон» сайёралар миқёсида ҳам, инсон организмиди ҳам энергия ҳаракатини, қон айланиши ва ичаклардаги ҳаракат мароми қучайишини билдиради. Айни шу кезлари организмнинг ёшариш жараёнлари жадвал кечади.

Шунингдек, бугунги кун янги билимлар, ахборотлар олиш учун ҳам қўлай фурсат ҳисобланади. Ҳамкорликдаги ҳар қандай ҳаракатлар, ташаббуслар омад ва муваффақият келтиради. Бугун ёлғиз қолмасликка интилинг, жамоа билан бирга бўлишни тақозо этадиган машғулотлар билан шуғулланинг. Контракт ва шартномаларни имзолаш учун ҳам бугунги кун омадли келади.

Асаб тизими ва қўриш аъзолари бугун заифлашган ҳолатда бўлади. Бугун қонни тозаловчи муолажалар самарали бўлиши кутилади. Косметик ва терида жаррохлик операциялари тавсия этилмайди. Овқат ҳазм қилиш тизими иши сусайган ҳолатда бўлади. Яллиғланиш билан боғлиқ хасталиklar, айниқса, томоқдаги яллиғланишлар хуруж қилиши эҳтимоли мавжуд.

Тушларингиз атрофингиздаги кишилар билан ўзаро жанжаллашишга ва ҳамфирқ дўстларингиз билан нифоқ келиб қилишига сабаб бўладиган омиллар ҳақида ҳафоз беради.

ТОШКЕНТДА РОК ФЕСТИВАЛИ

12-13 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА «IOSIS FEST» ХАЛҚАРО РОК ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

«Туркистон» саройининг ёзги майдонидида ўтказилган ушбу мусика фестивалининг асосий мақсади, мамлакатимиздаги рок гуруҳлари фаолияти билан ёшларни яқиндан таништириш. Ўзбекистонда бу йўналишда қўлга киритилган ютуқларни намойиш қилиш ва хориқ рок гуруҳлари ижодидан баҳраманд бўлишдир.

«Ёшлар йилида — ёшлар мусикаси» шиори остида ўтадиган бу мусика анжуманида «April Grapes», «Moment of Clarity», «The Stompers», «Z-Bek» ва «Слэзи солнца» каби мамлакатимиздаги рок гуруҳлари қаторида, хориждаги нуфузли «Бони НЕМ», «Волная стая» (Россия) ҳамда «ZERO NITRATE» (Франция) каби рок гуруҳлари ҳам ўз санъатларини намойиш этишади.

Концерт дастуридан тушадиган барча маблағ эса мамлакатимизда рок йўналишини ривожлантиришга йўналтирилади. Яъни, ёш хонанда ва мусикачиларнинг концерт дастурларини ташкил этиш, ёш композиторлар ва ижрочилар ижодини ёзишга қўмаклашиш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, CD кўринишда «Ўзбекистонлик рок хонандалари антологияси» ва фестиваль тўғрисида ҳикоя қилувчи DVD форматидида фильм чиқариш ҳам режалаштирилган.

«Туркистон-пресс»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3329 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбос оқсдорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13.53



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563